

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИННИНГ ТАНТАНАСИ

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ
ЕНГИЛМАС БИРЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИГА АЙЛАНДИ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКМИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 119 (4835).

19

ИЮНЬ

СЕШАНБА

1973 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ МОҲИЯТИ
ИЖТИМОЙ ИШЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА МЕҲНАТ-
КАШЛАР КЕНГ ОММАСИНИ ТОБОРА АКТИВ ЖАЛБ
ҚИЛИШДАН ИБОРАТ. ЗОТАН, СОВЕТЛАР СОЦИА-
ЛИСТИК ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ АНА ШУ ПРИН-
ЦИПИНИ БИРИНЧИ НАВБАТДА АМАЛГА ОШИРИШ
УЧУН ЛОЗИМ БЎЛГАН ТАШКИЛОТЛАРДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

ЎТган йилнинг кунини
ҳалқ ҳокимияти органлари —
область, шаҳар, район, поселка,
қишлоқ ва овул Советларига
сайловлар бўлиб ўтди. Бу
умумхалқ байрами кунини республика
ҳалқ ҳокимияти органлари ўз
ларининг вакиллари бўлиш
муносиби ўтган ва қиларини сай-
ладилар.

«Халқнинг жуда кенг ташки-
лоти ва ҳалқ бирлигининг тинч-
соли бўлган Советларнинг роли
коммунистик қурилиш жараёни-
да ошиб боради. Советлар дав-
лат ва жамоат ташкилоти бе-
ғилларини ўзига муассасмалашти-
риб, тобора кўпроқ жамоат таш-
килотлари сифатида майдонга
чиқа боради ва уларнинг фао-
лиятида омма кенг қўлабди
ва бевосита иштирок этади»,
дейдилар Совет Иттифоқи Ком-
мунистик партиясининг Про-
граммасида.

Бу йилги сайловлар ўзгача
бир вазиятда — мардонавор со-
вет халқи КПСС XXIV съезди-
нинг тарихий қарорларини зўр
ғайрат билан амалга ошираёт-
ган, беш йилликнинг учинчи
ҳал қилувчи йили тошпириқла-
рини мўддатидан илгари бажар-
иш учун умумхалқ соция-
листик мусобақаси кенг миқ-
дабда аниқ олган бир вазиятда бў-
либ ўтди.

Маҳаллий Советларга сай-
ловлар кунини республиканинг
меҳнаткашлари 86 млн 441
киши учун овоз бердилар. Де-
путатликка сайланган халқ ва-
киллари саноат корхоналари-
нинг новаторлари, қишлоқ хў-
жалиги ишлаб чиқаришнинг
энг илгори намоёндалари, фан
ва маданият арбоблари, партия,
совет, касабаси, соҳаси, қосмови
ҳодимлари эдилар. Уларнинг 47
процентга йилининг хотия-қиз-
лар, йилдан кўпроғини партия-
чилар, 66,89 процентини ишчи
ва қолқоччилар, 31,34 процен-
тини ёшлар ташкили қилди. Бу
сайловлар Советларнинг нақадар
ҳалқчил орган эканлигини, ҳа-
ётининг кўп қиррали томон-
ларини аниқ эътирури чинакал
ҳалқ ҳокимияти эканлигини
далолат бериб турибди. В. И.
Ленин: «Сизнинг Советларингиз
— бунидан буён давлат ҳокимия-
ти органлари, тўла ҳуқуқли ҳал
қилувчи органлар» дегани
эди халққа мурожаат қилиб.
Бўлиб ўтган сайловда Советлар-
га сайланган депутатлар саста-
вининг турли-туманлиги ҳам до-
ҳийинг сўзларининг нақадар
тўғри эканлигини яна бир қар-
ра исбот қилиб турибди.

Партия ва ҳукуматимиз ма-
ҳаллий ҳокимият органларининг
ролини ва мустақиллигини оши-
риш ҳақида ҳақаруз оталарча
тамхуриқ қилиб келмоқдалар.
КПСС Марказий Комитетининг
Советларнинг иш тўғрисидаги
қатор қарорларида, сўнгги йил-
ларда қабул қилинган Қонуни-
ларда Советларнинг хўжалик ва
маданият ҳаёт масалаларини ҳал
этишда нақадар катта роль ўй-
наши алоҳида таъкидланди. Бу
қарор ва қонуларда маҳаллий
Советларнинг фаолият доираси,
уларга бериладиган ҳуқуқлар
бир мунча кенгайтирилди. На-
тижада Советлар ўз терри-
торияларидаги корхоналар, муас-
сасалар ва ташкилотларнинг уй-
жон, қолмунал қурилишга, со-
-

лиқни сақлашга, маориф ва ма-
даниятга, халқ истеъмоқ мол-
ларини ишлаб чиқаришга доир,
алоҳида хизмат кўрсатиш билан
алоқадор турли соҳаларда қў-
риладиган тадбирларни қараб
чиқиш ва амалга ошириш билан
боғлиқ бўлган ишларни марказ-
лаштириш ва назорат қилиш ту-
ришда ҳамда бошқа қатор ма-
салаalarda актив фаолият кўр-
сата бошладилар.

Ўтган йилнинг кунини сай-
ланган маҳаллий Советларнинг я-
нги састави ҳақаруз лянча
куч, янгиға ғайрат билан ишга
киришадилар. Депутат бўлиш,
ҳалқ ишончини қозониш жуда
катта шарафли ва масъулият-
ли ишдир. Халқ ўз депутатла-
ри зиммасига муҳим давлат ва
жамоат вазифаларини юклайди.
Коммунизм қуриш ишига бўтум
куч ва билимларини сарфлаш,
ишчилар синфи билан қолқо-
ли деҳқонлар иттифоқини,
СССР халқларининг ленинча
дўстлиги ва қардошлигини, со-
вет жамоатининг социал-систиёй
бирлигини мустаҳкамлашга,
меҳнаткашлар фаровонлигини ва
маданиятини муттасили ошириш-
га, социалистик Ватан қуч-қу-
дралар билан қўмақлашнинг энг
барча депутатларининг энг
муқаддас бурнидир. Бу шараф-
ли вазифалар депутатларнинг
статуси тўғрисидаги Қонунда
алоҳида ўқидириб ўтилган.

Маҳаллий Советларга сай-
ловлар кунини минг-минглаб меҳнат-
кашлар сайлов қўтилари олдиға
келар эканлар, ўз қалб ҳоҳиш
ва иродаларини ифодалаб: «Жо-
нажон Коммунистик партиямиз
учун овоз берамиз», «Комму-
низм бунёдкор» — совет халқига
шов-шарафлар!», «Давлатимиз-
нинг ленинча ташки састаёй
учун!», «Оламда тинчлик бў-
син!», «Коммунистлар билан
партиячилар блокнинг жоюли-
ти бирлиги учун!» деган жўш-
қин сўзларини қўвона-қўвона
такрор-такрор айтдилар.

— Партия ва ҳукуматимиз,
— деди сайлов участкасига би-
ричилар қатори келган Пискеит
районидида Тельман номли қолқо-
ҳозини доирдог бригада бошли-
ғи, эллик центнерчи пахтакор
Ҳакимовлар Қодиров, — совет
кишиларининг энг ва оқошча
та меҳнат қилишлари учун барча
шарт-шароитларни яратиб бер-
моқдалар. Партиямиз XXIV
съездида белгиланган Тинчлик
программаси оғинимам амалга
оширилмоқда, КПСС Марказий
Комитетининг Бош секретари
ўртоқ Л. И. Брежнев бу жаба-
да жуда катта ғайрат-шиқоят
кўрсатмоқда. Ўртоқ Л. И.
Брежневнинг кунини кеча бошлан-
ган, АҚШ бўйлаб қилаётган
ҳайрли сафарини ҳам муваф-
фақиятлар тайилми.

17 июль кунини бўйлаб ўтган
маҳаллий Советларга сайловлар
том маънода умумхалқ шодё-
насига, Советлар демократияси-
нинг улугвор тантамасига ай-
ланди. Коммунистик партия ва
унинг ленинчи Марказий Коми-
тети атрофига маҳкам жипс-
лашган халқимиз сайлов ку-
нида социалистик Ватан-
га, партия билан халқ муста-
кам бирлигига, коммунизм қу-
риш буюк ишига нақадар содиқ
эканликларини яна бир бор на-
мойиш қилиб кўрсатдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН. 16-июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев АҚШ президенти Р. Никсоннинг таклифи-
га биноан бугун расмий визит билан Америка Қўшма Штатларига келди.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг давлат бай-
роқлари билан безатилган Ва-
шингтон йилидаги Эндрос аэро-
дромда Л. И. Брежневни ва унинг
ҳамроҳлари А. А. Громико, Н. С.
Патолочев, Б. П. Бугаев, Г. Э.
Кузнецов, А. М. Александров, Л. М.
Замятин ва бошқа расмий ишти-
рарин АҚШ давлат секретари
У. Рожерс, давлат секретариининг
ёрдамчиси Л. Стессел, Оқ уйнинг

ва давлат департаментининг рас-
мий вакиллари, Совет Иттифоқи-
нинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Доб-
рынин, СССРнинг БМТдаги дои-
май вакили Л. А. Малин, совет
элчихонасининг ходимлари кутиб
олдилар.

Аэродром майдонинида факрий
қорувул саф тортиб турди.
Л. И. Брежнев аэродромдан
Кэмп-Девилда (Мэриленд штати)
ўзига ажратилган қароргоҳга қа-
раб йўл олди.
АҚШда қабул қилинган прото-
колга мувофиқ расмий равишда
кутиб олиш маросими 18 июнда
маҳаллий вақт билан эрталаб со-
ат 10 дан 30 минут ўтганда Ва-
шингтонда Оқ уй биноси олдида
бўлади.

АҚШ КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ Л. И. БРЕЖНЕВГА ТАБРИКНОМАСИ

НЬЮ-ЙОРК. 18 июль. (ТАСС).
КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари Л. И. Брежневнинг
АҚШга расмий визити бошлан-
ганлиги муносабати билан Қўшма
Штатлар Коммунистик Партияси-
нинг Марказий Комитети унга та-
брик телеграммаси йўллади.

АҚШ Компартияси Марказий
Комитети Л. И. Брежневнинг Қў-
шма Штатларга келишини «халқаро
ишлардаги тарихий сийқини» тинч-
соли деб, «турли яхтанойи ва и-
қтисодий састемаларга мансуб мам-
лакатлар ҳукуматлари ўртасидаги
тинч-тотув янги састаёйи сал-
ғалабаларининг далили» деб ҳи-
соблайди ва КПСС Марказий Ко-
митети Бош секретариининг АҚШ-
га визити бугун дунёда тинчликни
мустаҳкамлаш ишига хизмат қи-
лади, деб таъкидлайди.

«Дунёдаги ядро қуролнинг кон-
троль қилиш ва унинг запасларини
зарарсизлаштириш йўлида қўйил-
ган ҳар бир қадам барча кишилар-
га хизмат қилади».

нинг манфаатларига мос бўлиб
тушади, — дейилади телеграмма-
да. — Тинчлик ишининг муваффа-
қияти тараққиёт ишига ёрдам бе-
ради, империализмга қарши қуч-
ларини мустаҳкамлайди ва халқлар-
нинг миллий озодлик йўлидаги қу-
ралиш манфаатларига хизмат қи-
лади».

АҚШ Компартияси Марказий
Комитети ўзaro манфаатли Совет-
Америка алоқаларини ривожланти-
ришдан Америка меҳнаткашлари
алоҳида манфаатдор эканлигини
таъкидлайди. «Совет Иттифоқи билан
Қўшма Штатлар ўртасидаги саста-
сотиқ Америка кишиларининг ҳаё-
ти муҳим манфаатларига жўв-
фиқ келмади» деб ўқиради.

АҚШ Компартияси Марказий
Комитети номидан АҚШ Компар-
тиясининг миллий раиси Г. Уин-
стон билан Бош секретари Г. Холд
имзолаган телеграмманинг иро-
даида бундай дейилади: «Хуш
келибсиз азиз ўртоқ Брежнев! Биз-
нинг энг қизғин ўртоқлик табрик-
ларимизни қабул этгайсиз!»



Суратларда: (юқорида) Калифорния районидида 45-сайлов участкасига сайловчиларга бюллетень тошпирилаётган лант. (Пастда) Янгийўл районидида 40-участка сайловчилари муносиб халқ фарзандлари учун ақдильлик билан овоз бердилар.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Бекобод районидида Дээр-
жиский номли қолқоҳозинг
Ахмади Эркаев бошлиқ бригада
иришкорлари гўза парварини-
ни кўп сайин авж олдиришти-
лар. Бригаданин «пўлат от»
суворийлари Х. Ҳайдаров ва Б.
Султоновлар гўза қатор орала-
рини сифатли юмшатиш билан
бирға, ҳар гектар ерга муқажал-
ланган миқдорда маҳаллий ва
минерал ўғит солиб озиқлан-
тирмоқдалар.

Сувиқларнинг шу кунларда
айниқса қўли-қўлиға тегмайди.

И. Ҳайдаров ва Н. Зиёдуллаев-
лар гўзаларини кеча-кундуз қон-
дириб сўғоришмоқда. Бригада-
нинг М. Тошқўлатова, Ш. Ҳата-
мова, О. Бекмуродова, С. Ҳу-
зова каби серғайрат аъзолари
дала ишларини намунали олиб
бормоқдалар.

Райондаги Ойбек номли со-
ҳозини Нурмурод Нуралиев
бошлиқ бригадасида ҳам гўза-
лар қийғос шоналаб, гўл чиқа-
риш даврига кирди.

А. РАИМҚУЛОВ,
Ш. НУРАЛИЕВ.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Деҳқонларимиз огирини си-
ғи, меҳнатини унудор қилу-
чи машина-меҳнаткашларини иш-
лаб чиқараётган «Ташеъъаман»
саводи коллективни беш йиллик
нинг ҳал қилувчи учинчи йили-
да ҳам социалистик мусобақани
авж олдирган ҳолда меҳнат
қилмоқда.

Корхона аҳли «Беш йиллик-
ни тўрт йилда бажарамиз!» ши-
ори остида ишламоқда. Бу ер-
да беш йиллик тошпириқларини
муддатидан анча аввал бажар-
иш юзасидан мажбурият ол-
ганлар қўлаб топилди.

— Механика-йиғув лезининг
тоғари Э. Маматқулов аниқ
шундай зарбдор ишчилардан.
У май ойи ланин 130—135
процент қилиб адо этди. У 11
кишидан иборат бригадаға бош-
чилик қилмоқда. Коллектив
ойлик планларини ошириб ба-
жармоқда. 6 киши ўзининг
шахсий тамғасига эға. Улар
ишлаб чиқарган деталлар тех-
ника назорати бўлини томо-
нидан текширилмасдан қабул
қилинади.

Бригаданин Р. Алиев, Г.
Зиннатуллин каби аъзолари
вақтдан унудан фойдаланиб,
гуллик нормадан анча кўп маҳ-
сулот тайёрламоқдалар, шу би-
лан бирға металл тежаш бо-
расида ҳам барчаға ўрнак бў-
лишмоқда.

Цех аҳли илгори то-
карь, моҳир ташкилотчи Эғам
Маматқуловға катта ишонч
билдириб, уни Ҳамза район Со-
ветига депутат қилиб сайлади.

С. МЕЛИЕВ.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида олй даражада
маслаҳатлашиб туриш юзасидан қарор топан тартибға муво-
фиқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Бре-
нев Франция республикасининг президенти Ж. Помпидуинг
таклифиға биноан 1973 йил 25 июнда 27 июнғача Франция-
да бўлади.



КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БУЗИЛМАС БЛОКИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН



ЭРТА тонгданок барча сайлов участкалари сайловчилар билан гавжум бўлди. Улар халқ фаровонлиги йўлида ўз меҳнатларини, ғайрат ва шижоатларини, билим ҳамда маҳоратларини аямайдиган халқ фарзандлари учун биринчилик қатори овоз беришга ошиқардилар. Суратда: областимизнинг Калинин, Чиноз районларидаги бир неча участкаларда овоз бериш дақиқалари акс эттирилган. А. Абалов фотолари.

НУРАФШОН ТОНГ

Участки сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Мирзо Афзалов ҳовлига чиққанида ҳали осмон гўлбази ўра сочилган билдур нукралар жилданади. Майин шабадада аста силкинаётган сада-райхонлар, ял-ял ёниб дилларга кувонч бахш этаётган турфагузлар файзи ҳам бутун ўзгача. Худди бутун борлиқ ўзини байрамга тайинлагандек. Радио-дан таралаётган дилрабо куй оғушида М. Афзалов гулзорни сайр этди. Қалбнинг аллақасери негидир ҳаяжонланаётганини, бутун вужудини кишига ором бахш этувчи ширин туйғулар қамраб олаётганини ҳис қилди.

Бунинг боиси бордир бади. Ҳа, шундай. Халқимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз бериладиган бугунги шодиёнага у ҳам оғиз-қўлини ҳисса қўшганлигидан фахрланади. Сайловни ушшоқлик билан ўтказиш учун астойдил сиқилдирилган кўрсатган участка сайлов комиссиясининг раиси Убайдулла Маҳмадов, комиссия аъзолари М. Саъдуллаева, М. Носирова, Қ. Қорабоева, С. Исаев, З. Салимовларини ҳаёдан яна бир-бир кўз олдидан ўтказди. Э. Жамоллов, Х. Валиев, Қ. Мирвалиев каби ўқитувчи, С. Едгоров, Т. Ҳайдарова каби ўқувчи-агитаторларнинг жонбозлигини айтишсангиз, мана уларнинг меҳнат самараси. Шинам қилиб беватилган хонада ҳамма нараса сайловни ушшоқлик билан ўтказиш учун муайян. Фақат бу масъулиятли ва тантанавор дамларнинг бошланишига ҳали анча-

гина вақт бор. Алфавит бўйича ҳарфлар акс эттирилган бежирим тахтачалар ортдан буғунги хизмат бурчларини пухта эгалаб олган Дилором Жўраева, Назира Камолова, Ёхутхон Маҳмадова, Озода Зоирова, Зарофат Мўминова, Эркин Аҳмедовлар ўрни олишди. Уларнинг чехраларида табассум. Яна бир неча дақиқалардан сўнг халқ ишонч билдирган ўғил-қизлар учун овоз бериш бошланади. Ҳозирча сайлов участкаси эшиги олдида тўйинганларнинг сўхбати деярли бир мавзуда: қишлоқнинг кейинги йиллари ичда

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДАН РЕПОРТАЖ

Кескин ўзгарганлиги, равои кўчалар, янги тилгаги уйлар унинг кўрнига кўрк қўшаётганлиги ҳақида бормоқда.

— Хали, ҳали ёдимда, — деб эслайди сайловчилардан бири, — «Узастахиз ўғайми» деб редакцияга шикоят хати ёзганлар. У пайтда на водородов, на газ бор эди. Энди бўлса биргина Ленин участкасидангина эмас, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» қомозидаги ҳар бир хонадон ҳам на водородов сундан бахранид.

Бу имтиёزلарга эришишда депутатлар жонбозлик кўрсатишди. Сайловчи Инобат она эса участкага автобус мунтазам қатнаётганлиги ҳақида мамнулик билан сўз юртади.

Мана кутилган онлар ҳам келди. Сайлов участкаси раиси Убайдулла Маҳмадов сайловчиларни байрамлари билан табриқлайди. Кейин уларни овоз бериш учун таклиф этади. Сайлов кутиси олдида пенсияер Жўравой ота Умрзоқов, унинг дилдан чиқариб айтган сўзлари ҳаммани ҳаяжонга солди.

— Азиз фарзандларим, — дея сўз бошлади отахон, — мен қолхўлаштириш даврида халқимиз бахт-саодати учун курашган жанговар авлод сафида бўлганлигим билан фахрланаман. Шундан бошлаб юртимиз тўқчилиги, элимиз фаровонли-

ги йўлида меҳнат қилиб келаман. Меҳнатларим зое кетмади. Ҳозир унинг гаштини сурмоқдаман. Тўзуккина пенсия оламани. Шундай пируба-даплат элдан миннатдор бўлганлигим учун ҳам ўғил ва қизларимга бажонидил овоз бераман.

Қишлоқ аҳолиси қили билан айтганда суғил дехқончилигида қотган Далавой ака Раҳматовнинг қабл сўзлари ҳам ҳақжонларни бўлди. У сўзи давомида биринчи бор овоз бериётган ёшларни қутлади.

Тантанавор сўзлар давомий шодлик ва бахтин тараннуми этувчи куй ҳамда қўшқларга улашиб кетди. Унинг ёлқини кўчаларни тўлдирди, сайлов

участки томон одимлаётганлар чехрасида ўз аксини топарди.

Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир сайловчи ким учун овоз бериётганлигини, унинг халқ олдидаги хизматларини яхши билади. Мана биргина мисол, Меҳнатқашлар депутатлари Калинин район Советига депутат қилиб сайланган Наби Саидовни олайлик. У қишлоқ аҳолиси кўз ўнгиде ўсди, воғта этди. Наби хали урта мактабда ўқиб юрганидаёқ ўзининг ўқиб зехин, актив жамоатчилиги билан эътибор қозонган. Кейин у қолхўзда ишлади, қишлоқ хўжалик институтининг сиртки бўлимини юрти-ёзди диплом билан битирди.

Меҳнатта астойдил меҳр қўйган Н. Саидов қолхўзда поғона-мамоғона қамолот тоиди. Қолхўзчи, зверо бошлиғи, бригадир, қолхўз партия ташкилотининг секретари. Н. Саидовнинг меҳнат йўли ана шундай.

Еш бўлса ҳам ҳар ишда беш дейишда қишлоқ кексалари у ҳақда. Ёшлар бўлса ҳақас қилишда, интилишда.

Ўтган якшанба кунини Калинин районидаги Энгельс номида 2-мактаб биносида жойлашган 2-сайлов участкасидан сайинланган бошқа депутатлар ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ гаплар айтсангиз арийди. Шунинг учун бўлса керак, Юнусов қишлоқ Советига қарашли бу участкада сайлов ниятида ушшоқлик билан ўтди.

С. ҲАСАНОВ.

БИРДАМЛИК

Собир Раҳимов районидаги 25-сайлов участкасидамиш. Бугун бу участкада ҳақиқий байрам. Сайлов участкасининг раиси Давид Моисеевич Нек эрта тонгданок йиғилганларни ўзларининг шарафли гражданилик бурчларини адо этишга таклиф қилар экан, Совет сайлов системасининг демократик принциплари, маҳаллий Совет органларининг кейинги йиллар ичиде активлик билан олиб бориладиган ишлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди.

Саксон эшти ёшлар Турсунбой ота Зоилов сайлов кутиси олдида туриб, ўзининг миннатдорчилиқ сўзларини изҳор этди.

— Биргина бизнинг «бирлик» ва «Ривож» маҳаллаларимизнинг ўзига раъз ташланган, — деди отахон, — сўнгги йиллар ичиде қанчадан-қанча йўллар асфальтланди, қанчалаб гулзорлар, ҳибоблар вужудга келтирилди, кўчалар ва йўлларлар чеккаларига дархатлар ўтказилди. Энг муҳими, халқимизнинг тўй ва маросимлар ўтказишида янгича урф-одадлар жойи бўлаётганлиги кишини қувонтиради. Бу халқимиз ишончини оқлаб келаётган депутатлар, айниқса, маҳалла активлари кучи билан амалга оширилди.

Отахон маҳаллада кўп йиллардан бери жонбозлик кўрсатиб келаётган маҳалла комиссияларининг раислари — Қосим Ибодов, Нуртожи Жулмаев каби пенсияерларнинг номини ҳурмат билан тилга олди.

Сайлов кутиси олдида биринчи бор овоз бериётган бир неча ёшлар ҳам ўз қабл сўзларини, партия ва ҳукуматимизга бўлаётган меҳр ва муҳаббатларини изҳор этишди.

Эрта тонгданок кўтаринки руҳ билан бошланган бу тантанамо жуда ушшоқлик билан ўтди. Сайловни муваффақиятли ниҳосига етказишда Ф. Латипов, А. Голосов, Л. Гладко каби агитаторлар самарали ишладилар.

Улар сайлов участкасига беморликлари ва бошқа сабаблар тўғрисида қолхўз қолган кексаларга сайлов кутиларини ўз вақтида етказдилар.

Маҳаллий Совет органларига ўтказилган сайлов катта сўй ва шодиёнага айланди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ФАХР БИЛАН

Карнай-сурнайлар садолари фазонин янгради. Сайлов участкаси томон бошловчи йўл чеккаларида пионерлар ота-оналари, ака-опаларини қаршилаб, честь бериб туришди. Мактаб пештоқида ёзилган «5-сайлов участкасига ёзилган «5-сайлов участкасига» сўзлар узоқдан кўзга ташланади. Мактаб ҳовлисида эса Киров район Маданият уйи бадийи ҳавасдорлари ўз сайн-атларини намойиш қилмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам бу катта тўй. Нуроний отахонлар, муътабар онахонлар чехраларида табассум жилданади. Ёшлар қарча-қарча самони титратгудек, соат-тоғи 6 бўлиши билан сайлов комиссиясининг раиси Лутифулла Раҳматуллаев йиғилганларни сайлов бошланганлиги билан табриқлайди. У бу тантанаманинг боллар дўстларимиз томонидан қуриб берилган Димитров номи мактабда интернационал дўстлик рамон тобора кенг қулаётганлиги алоҳида таъкидлади.

90 ёшли бобо Мушарраф Бой-боборов сайлов кутиси олдида берганида йиғилганлар кўзиде севинч ёшлари қалдири. Уни жанжи невараси етайлаб олган. Бобо сайлов участкасига

неварасини чарчаб қоламан, деган ўй билан олиб келмаган экан, буни унинг қўйидаги сўзлари тасдиқлаб турибди: — Қимматли ўғил-қизларим, — деди у нуроний бир нигоҳ билан. — Мен ҳаммаша сайловлар вақтида қийинчиликларда ўган болалигимни ослайман. Ҳа, ётнинг у машаққатли кунлари ҳақида сиз фақат китоблардан ўқитансиз. Мен эса ўша оғир кунлар гувоҳиман. Ҳозирги неварачекараларимга қараб дилим қуволади. Бахтиёрлик ато этган ҳукуматимизга, партияга минн раҳмат.

Бобо сўзлари қарсанлар била қаршиланди. Сайлов кутиси томон одимлаётган сон тобора ортиб борарди. Ҳаммаёқда музика, ҳаммаёқда тантанамо. Ушундан кейин Тошкент шаҳридаги Димитров номи мактабда жойлашган сайлов участкасига 3 мингдан ортиқ сайловчи маҳаллий Советларга сайланаётган муносиб фарзандлар учун овоз берди.

Сайловни муваффақиятли ўтказишда М. Алимуҳамедова, А. Назарова, С. Тожиқовна, В. Ступини каби агитаторларнинг активлиги диққатга сазовор бўлган.

Н. ИСОҚОВА.

ҲАМЖИҲАТЛИК РУҲИДА

БУКА (махсус муҳбиримиз) жуда яхши биламиз, — дейди даи. Эрта тонгданок «XX партия съезди» қолхўзи иллуби биноси олдидаги ҳибоб гавжум бўлиб кетди. Қолхўзининг ҳар туртала участкасидан бу ерга одамлар машиналарда, мотоциклларда кел-ла бошладилар. Соат роса 6 да 5-сон сайлов участкаси комиссиясининг раиси сайловчиларни бюллетенлар олишга таклиф қилди. Биринчи бўлиб, 80 ёшли Холбой бобо Алиев ва ёш сайловчи Мамлакат Ҳасанова бюллетен олишди.

— Биз ўз номзодларимизни жуда яхши биламиз, — дейди Холбой бобо. — Область Совети депутатлигига номзодимиз қолхўзимиз раиси Мирзааҳмад Ҳай-добов ҳужалигимизга кўп йиллардан бери раҳбарлик қилади. Шу давр ичиде қишлоғимиз овод бўлди. Ҳўжалигимиз равақ топди. Ёш сайловчи М. Ҳасанова район Совети депутатлигига номзодлар илғор қолхўзчи Мукаррама Набиева ва илғор бригада бошлиғи Тожиқовна Жўраеваларга қувола-қувола овоз берганлигини айтди.

Биз ўз номзодларимизни жуда яхши биламиз, — дейди Холбой бобо. — Область Совети депутатлигига номзодимиз қолхўзимиз раиси Мирзааҳмад Ҳай-добов ҳужалигимизга кўп йиллардан бери раҳбарлик қилади. Шу давр ичиде қишлоғимиз овод бўлди. Ҳўжалигимиз равақ топди. Ёш сайловчи М. Ҳасанова район Совети депутатлигига номзодлар илғор қолхўзчи Мукаррама Набиева ва илғор бригада бошлиғи Тожиқовна Жўраеваларга қувола-қувола овоз берганлигини айтди.

ҚИШЛОҚДА БАЙРАМ

Ўтган якшанба кунини Янги-Ўй райони Свердлов қоман совхозда жойлашган 2-сайлов участкасиде маҳаллий Советлар органларига сайлов муносабати билан шодиёна авж олди. Қишлоқ аҳолиси ўзининг синналган, меҳнатда тобланган, асл фарзандлари учун овоз беришга ошиқарди. Шунинг учун ҳам улар ҳар қачонгидан эрта уйғонишди. Кўчалар бўйлаб сайлов участкаси томон келаётганларнинг поёни қуриш-майди. Карнай-сурнайлардан ёқимли музика садолари илғорлаб турибди. Ҳамманинг чехрасида табассум кезди. Улар бутун жамоат партияга учун, фаровон ҳаёт учун, халқимизнинг бахт-саодати учун овоз беришларини ҳуқуқ ҳис этадилар. Бу билан фахрланадилар. Тонг... соат олти. Сайлов участкасининг раиси Назира Рўзинова ўз гранданилик бурчларини адо этиш учун келган кишиларни байрам билан — сайлов кунини билан табриқлаб, уларни ичқарига таклиф қилди.

Биринчи бўлиб сайлов кутиси олдида сохвот богдорчилиги бригадасининг ёш ичқиси биринчи бор овоз бериётган Зухра Ақромова келди. У ҳозирги даврдаги партияимизнинг ёшларга қилаётган ғамхўрлигини

тўғрисида, ёшларнинг билим олишлари, ҳунар ўрганишлари ҳақида гапирди, жамоат партияимизга ташаккур айтди.

Ушбу Ватан уруши қатнашчиси 60 ёшли пенсияер Ақром Тўхтақўнаевни йиғилганлар ҳурмат билан кутиб олишди.

— Раҳматимиз партия ва Совет Ҳукумати Ушбу Ватан уруши қатнашчиларини, биз пенсияерларни ҳурматлаб, қабрига қўймонда, — дейди А. Тўхтақўнаев, — партияимизнинг XXIV съезди қарорлариде бу олийжаноб ғамхўрлигидада бунингроқ ифодасини тоиди. Мен келаякан авлодларнинг бахт-саодати учун овоз бераман.

Отахон сайловчилардан И. Қосимов, ва онахонлардан Д. Нисомхўнаевалар Ақром Тўхтақўнаев фикрини қўллаб-қувватладилар.

Сайловчилар область Совети депутатлигига Жўрапошша Рашидовани, район Советларига Замида Ҳасанова, Рашида Усмонова ва бошқаларни бир овоздан индилик билан сайладилар.

Бу яқдиллик ва бирдамликнинг коммунистлар билан партияимизнинг ёшлари билан биргаликда ёшлар ифодаси эди.

А. РОЗИҚОВ.

ВАТАНИМИЗ ЯШНАСИН, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН



Собир Раҳимов райони 15-сайлов участкасининг овоз бериш хонасида. И. Глазберзон ва В. Сироткин фотоси.

ДАВЛАТ—ВИЗНИНГ ЎЗИМИЗ

ИТТИФОҚИМИЗДА

Мамлакатнинг бутун территориясида 50 мингдан ортиқ маҳаллий Совет сайланди. Шу Советларга сайлов ўтказиш учун 2 миллион 123 мингдан кўпроқ сайлов округи ишладилар.

Ўзбекистонда олинган нозомларнинг 67,2 проценти бевоасита ишлаб чиқаришда шугулланаётган ишчилар ва қолхўзчилардир. Депутатликка қўрсатилганларнинг қариб ярмиси хотин-қизлардан иборат. Уларнинг 28 процентида кўпроги 30 ёшга етмаган йилга қизлардир. Депутатлар орасида 43,8 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар бўлиб, 56,2 проценти партияимизлардир.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистонда 92 мингдан кўпроқ турли сайлов номинсаялари ишлади. Бу комис-

сияларда партия активлари ва партияимиз активлардан 359 мингта янги киши фаоллик кўрсатди. Комиссиялар составида 200 мингта янги ишчи ва қолхўзчилар, 205 мингдан кўпроқ хотин-қизлар бор.

Маҳаллий Советларга бундан аввал ўтказилган сайловдан бери Ўзбекистон хариатсида 18 та янги шаҳар, 10 та қишлоқ райони, 2 та шаҳар поселкаси ва 15 та қишлоқ «айдо бўлди.

Янги шаҳарлар, районлар, поселкалар ва қишлоқлар ташкил этилиши муносабати билан Советлар сонини қўнайди. Республикада ҳозир 1.211 область, район, шаҳар, поселка ва қишлоқ Советлари мавжуд.

Депутатликка сайланганларнинг 3,2 қисми ишчилар ва қолхўзчилар. 47 проценти янги хотин-қизлар, аржидан кўпроги партияимизлардир. Номзодларнинг ушдан бир қисмига янги шонли ёшлари

мизининг, 15 процентида кўпроги ВЛКСМ аъзоларининг вакилларида иборат. Депутатликка сайланганларнинг 40 процентида кўпроги мақор Советларга биринчи бор сайланган кишилардир.


ОБЛАСТИМИЗДА

Тошкент областида бу йил 11689 округ ишлади.

Ушунинг депутатлар сонининг 48,5 проценти хотин-қизлар ташкил этади.

Депутатлар орасида 49 проценти партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар бўлиб, 51 проценти партияимизлардир.

Ўтган икки йил ичиде областа уч шаҳар, беш поселка бунда келди. Бунинг натижа-сида сайлов ўтказиладиган округлар сонини илгартидагига қараганда анча қўнайди.



Айниқса маҳаллий партия ва совет ташкилотлари эътиборида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг коммунал хўжалик бўлими мудир.

роҳ қабул қилди. Область иттироъ комитети, бир қатор иттириқчиларга совхозларда коммунал хизмат кўрсатишлари ташқиш этиш қолхозларда бўлган комбинатлар фаолиятини янада яхшилаш, қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган коммунал хизмат турлари ва ҳамқини қўлайтириш вазифасини юклагди. Қарорга мувофиқ область совхозлар трестларида коммунал хизмат кўрсатиш бўлиmlари, совхозларда эса хўжалиқ ҳисоби асосида ишловчи, зарурати бўлганда эса совхозларро коммунал хизмат комбинатлари ташқиш этилади.

№ ИНДЕКС 64697.